

## **МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ ҲИСОБИГА ДОИР БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Самиддин Тошназаров – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, Дилфузада Тошназарова – таянч докторант, Нафиса Тошназарова – магистр

**Аннотация:** Ушбу мақолада бошқарув ҳисобининг кейинги йиллардаги тараққиёти, менежмент соҳадаги муҳим инновациялар, ишлаб чиқаришга доир бошқарув ҳисобининг асосий вазифалари тадқиқ этилган.

**Калитли сўзлар:** молиявий ҳисоби, бошқарув ҳисоби, маҳсулот таннари, режалаштириш, интерпритация, ҳисоботдорлик.

**Аннотация:** В статье рассматриваются развитие управленаческого учета за последние годы, важные нововведения в области управления, основные задачи производственного управленаческого учета.

**Ключевые слова:** финансовый учет, управленаческий учет, стоимость продукции, планирование, интерпретация, отчетность.

**Abstract:** The article discusses the development of management accounting in recent years, important innovations in the field of management, the main tasks of production management accounting.

**Keywords:** financial accounting, management accounting, product cost, planning, interpretation, reporting.

Халқаро тажрибаларда бухгалтерия ҳисоби тизими **молиявий ҳисоб (financial accounting)** ва **бошқарув ҳисоби (management accounting)** каби таркибий қисмлардан ташкил топган. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда бухгалтерия ҳисоби фани ҳам молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисобига бўлиб ўрганилмоқда. Молиявий ҳисоб бу асосан ташкил ахборот фойдаланувчиларга молиявий ҳисбот кўринишида ахборотларни тақдим қилиш бўлса, бошқарув ҳисоби эса ички ахборот фойдаланувчилар, яъни менежерларга қарорлар қабул қилишлари учун фойдали ахборотларни етказиб бериш қуйитизимиға айтилади.

Бошқарув қарорларининг сифати кўп жиҳатдан менежерларни ўз вақтида, сифатли, объектив ва тезкор ахборотлар билан таъмин этиш даражасига боғлиқ бўлади. Бу масалани ҳал этишда бошқарув ҳисоби муҳим роль ўйнайди. Бу ўз навбатида ушбу соҳа мутахассислари олдига янгича вазифалар қўймоқда.

Бошқарув ҳисобининг кейинги 50 йилда тараққиёти: ахборот революцияси ва ахборот технологияларининг ривожланиши, маҳсулот ишлаб чиқариш линияларининг кенгайиши, иқтисодиётнинг глобаллашуви ва инновацион иқтисодиёт, сервис (хизмат қўрсатиш) соҳасининг устувор ривожланиши ва бошқа омиллар билан белгиланади<sup>1</sup>.

**Ахборот революцияси** ахборотларнинг ҳажми ва оқимини кенгайтирди. Уларга ишлов беришда янги технологияларни қўллашни тақозо қилди. **Ишлаб чиқариш линияларининг кенгайиши** янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга олиб келди. Бу эса таннархни маҳсулотлар ўртасида тақсимлаш техникаси (методлари)ни такомиллаштиришни талаб этади. **Иқтисодиётнинг глобаллашуви** рақобат муҳитини кенгайтирди, бу эса аниқ, долзарб ва ўз ватида тақдим этиладиган ахборотларга бўлган талабни кучайтирди. Транмиллий корпорацияларнинг ривожланиши трансферт баҳони шакллантириш масласини долзарб қилиб қўйди. Глобаллашув профессияни ривожланишига олиб келди. Японияда стратегик менежмент ва операцион менежмент ҳамда менежментлик ҳисобида янги инновациялар қўлланила бошлади. Натижада, рақобатга бардош бериш учун кўпчилик американлик компаниялар ҳам Япония менежмент тизимини қўллай бошлади. **Сервис соҳасининг устувор ривожланиши** ушбу компаниялар томонидан уларнинг менежмент талабларига жавоб берадиган бошқарув ҳисобини ривожланишига олиб келди. Айниқса, туризм, транспорт, молия ташкилотлари ва тиббиёт менежменти соҳасида кескин бурилиш ясади. Хизматлар таннархини аниқлаш бошқарув ҳисобининг муҳим объектига айланди.

Бошқарув ҳисобининг ривожланишида менежмент соҳасидаги қуйидаги инновациялар муҳим таъсир қўрсатди: Тотал Сифат Менежменти (Total quality management) (TQM); Just-in-time (JIT); Чегаралаш назарияси (Theory of constraints); Тежамли маҳсулот ва тежамли корхона (Lean production and the lean enterprise).

<sup>1</sup> 2006/ Management Accounting Concepts and Techniques Dennis Caplan 15-18-p.  
[https://scholarsarchive.library.albany.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1000&context=accounting\\_fac\\_books](https://scholarsarchive.library.albany.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1000&context=accounting_fac_books)

Олимларнинг тадқиқотларида таъкидланишича “Стратегик бошқарув ҳисоби” атамаси 20-асрнинг 80-йилларида АҚШ ва Гарбий Европа мамлакатларида пайдо бўлган, бироқ, кенг қўлланилмаган. Ўтган асрнинг 90-йилларида келиб, стратегик бошқарув ҳисобига оид баҳслар авж олди. “Стратегик бошқарув ҳисоби” атамаси биринчи бўлиб, К.Симмондз тадқиқотларида келтирилган.”<sup>2</sup>

Ишлаб чиқариш корхона ёки қисмлари, цехлари, бўлинмалари, бўлимлари, марказлари ўзининг аниқ ташкилий бошқариш вазифа (функция)ларига эга. Бу ташкилий бошқариш тузилмаси кўпгина омиллар (технология, фирмани жойланиши, фирманинг қуввати, фаолияти, ходимларнинг фирмага муносабатлари, мухитни ўзгарувчанлиги, таъминланиш ва ҳоказолар)га боғлиқ. Бошқарувнинг умумий вазифаларига куйидагилар киритилган<sup>3</sup>:

- **Режалаштириш ва компания сиёсатини шакллантириш (Planning and policy formulation).** Режалаштириш мавжуд ахборотлар асосида мақсадлар ва вазифаларнинг қўйилишини прогнозлаштириш; ҳаракатларнинг муқобил курслари ҳамда фаолиятга доир дастурлар бўйича сиёсатни ишлаб чиқиш. Менежментлик ушбу масалаларни бошқаришда катта ёрдам қўрсата олади. Бунда ҳисботлар ўтган натижаларни ёритиб беради ва келгуи фаолиятни баҳолаш имконини яратади.

- **Қарорлар қабул қилиш жараёнида ёрдам бериш (Assists in Decision-making process).** Менежментликнинг турли замонавий техника (метод)лари ёрдамида қарорлар қабул қилиш жараёни илмийлигини оширади. Ҳар бир мақбул бўлган муқобиллар учун таннарх, нарх, фойда кўрсаткичлари ҳамда жамғармалар билан боғлиқ маълумотлар тўпланилади, таҳлил қилинади ва асосланган қарорлар қабул қилиш учун база бўлиб хизмат қиласи.

<sup>2</sup> Б.Ю. Мақсудов. Бошқарув ҳисобида стратегик ёндашув масалалари.  
[http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/5\\_Maxsudov%20%2B.pdf](http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/5_Maxsudov%20%2B.pdf)

<sup>3</sup> <https://www.mbaknol.com/business-finance/basic-concepts-of-management-accounting/>

• **Ташкил этиш унсурлари (Facilitates Organizing).** “Жалб қилинган капитал қайтими (самарадорлик)” менежментликнинг муҳим унсурларидан ҳисобланади. Холбуки, менежментлик таннарх ва жавобгарликларни назорат қилиш мақсадида Жавобгарлик марказларига катта эътиборни қаратиш орқали кўп жиҳатдан децентрализацияни қўллаб қувватлади. Бу эса ўз навбатида самарали ва ҳаракатчан ташкилий структурани яратишида фойдали ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида Бошқарув (менежментлик)нинг компания даражасида аниқлаштирилган вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) узоқ муддатли режалар ва қисқа муддатли режалар (бюджет)ларни ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни ўрнатиш;
- 2) харажатларни тан олиш, баҳолаш, таснифлаш ҳамда функционал боғлиқлигини аниқлаш ва регрессион таҳлилини амалга ошириш;
- 3) таннарх концепцияси ва таннарх табиатини (behavior) белгилаш ҳамда CVP (Cost Volume Profit) таҳлилини амалга ошириш;
- 4) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлиги таннархини ҳисоблаш, маҳсулот таннархининг элементлари бўйича ахборотларни шакллантириш;
- 5) материаллар, меҳнат харажатлари ва устама ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини замонавий ёндашув ва усуллар асосида юритиш;
- 6) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи тўғрисидаги ҳисбот, сотилган маҳсулотларнинг таннархи тўғрисидаги ҳисботларни тайёрлаш ва тақдим этиш;
- 7) таннархни ҳисоблашнинг буюртмали ва жараёнли тизимларини қўллаш орқали таннархни ва харажатларни оптималлаштириш йўлларини ишлаб чиқиш;
- 8) узоқ муддатли инвестициялар, хусусан молиявий қуйилмалар, янги технологияларни жорий қилинишини режалаштириш ҳамда режаларнинг бажарилишини назорат қилиш;

9) сегментар ҳисоботни тайёрлаш ва таҳлил қилиш, жавобгарлик марказлари фаолиятини баҳолаш.

10) корхонанинг сиёсатидан келиб чиқиб бошқа вазифаларни киритиш мумкин.

Ушбу вазифаларнинг ҳал қилиниши бошқарувни тўғри ташкил қилинганлигига асос бўлади.

Хулоса қилишимиз мумкинки, ушбу ҳолатлардан бошқарув ҳисобининг роли ошмоқда. Ўқув режаларимизда бошқарув ҳисобини алоҳида фан сифатида киритишимиш керак бўлади. Корхона ва ташкилотларда бошқарув ҳисоби билан шуғулланадиган бухгалтерларни шакллантириш керак бўлади. Бошқарув ҳисоби бўйича ҳам халқаро даражада сертификатларни жорий қилиш вақти келди. Юқорида санаб ўтилган вазифалар менежментнинг ҳозирги талабларига жавоб беради. Уларни бошқарув ҳисобини ташкил этишда инобатга олиниши бошқарувнинг самарадорлигининг ошишига олиб келади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1.2006/Management Accounting Concepts and Techniques Dennis Caplan 15-18p.  
[https://scholarsarchive.library.albany.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1000&context=accounting\\_fac\\_books](https://scholarsarchive.library.albany.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1000&context=accounting_fac_books)

2. Б.Ю. Мақсудов. Бошқарув ҳисобида стратегик ёндашув масалалари.  
[http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/5\\_Maxsudov%20%2B.pdf](http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/5_Maxsudov%20%2B.pdf)

3. <https://www.mbaknol.com/business-finance/basic-concepts-of-management-accounting>